# ОЛТИНСИМОН ҚОРАҒАТ НАВЛАРИ НОВДАЛАРИНИНГ ЎСИШ ДИНАМИКАСИГА ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ

**Ибрагимов Бобир Тохирович**
*Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти таянч докторанти*

Қаламчалар орқали кўпайтириладиган олтинсимон қорағат навининг ўсиш динамикаси уларнинг келгусида ривожланиши ва ҳосилдорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун тажрибада олтинсимон қорағат навининг турли экиш схемаларида ва турли қалинликдаги қаламчаларнинг ўсиш кўрсаткичлари мунтазам равишда кузатилди. Тажриба майдонида олтинсимон қорағатнинг бир йиллик новдаларининг бўйини ўлчаш ишлари апрель ойидан то сентябрь ойига қадар ўлчаб борилди.

Тадқиқот натижасига кўра бир йиллик новдаларнинг узунлиги ўрганилганда экиш схемаси ва қаламча қалинлиги 70x10 см назорат 7-8 мм вариантда хар ойнинг 15 кунлари санасига кўра апрель ойида 13 см.ни, май ойида 46 см.ни, июнь ойида 62 см.ни, июль ойида 64 см.ни август ойида 71 см.ни ва сентябрь ойида 74 см ни ташкил этди. Сентябр ойини 15 кунлари новдалар ўсишдан тўхтаганлиги аниқлади. Новдалар турли ўлчамларда кузатилиб 60x10 см экиш схемасида қаламчалар зич жойлаштирилгани сабабли уларнинг ўсиш суръати бошида секинроқ кечди. 3–4 мм қалинликдаги қаламчаларда ўсиш 15/04 санасида 14 см бўлиб, вегетация охирига келиб 75 см гача етди. 5–6 мм қалинликдаги қаламчаларда мос равишда 16 см дан 79 см гача, 7–8 мм қалинликдагиларда эса 14 см дан 72 см гача ўсиш қайд этилди. Энг қалин 9–10 мм қаламчаларда бошланғич даврда ўсиш кузатилиб 13 см, вегетация охирида 72 см бўлганлиги қайт этилди.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсадатики 60x15 см экиш схемасида ўсиш кўрсаткичлари юқорироқ бўлди. 3–4 мм қаламчаларда ўсиш 15/04 санада 14 см бўлса, 15/10 санасига келиб 72 см га етди. 5–6 мм қалинликдагиларда эса 17 см дан 79 см гача, 7–8 мм қалинликдагиларда 13 см дан 72 см гача ўсиш қайд этилди. Энг қалин қаламчаларда 9–10 мм эса 12 см дан бошланган ўсиш охирида 71 см гача етди. Бу схемада ўсимликларнинг озиқланиш майдони нисбатан кенг бўлгани учун илдизланиш ва ўсиш жараёни самаралироқ кечганини кўрсатади.

Олтинсимон қорағат навларининг қаламчаларини кўчатларини ривожланиш даврида новдаларнинг ўсиши кузатилганда 70x10 см натижаларга кўра, нозик қаламчаларда (3–4 мм) ўсиш 14 см дан бошланган

бўлса, вегетация охирида 73 см га етди. 5–6 мм қалинликдаги қаламчаларда 16 см дан 75 см гача, ўсиш кузатилди. Айниқса, 9–10 мм қалинликдаги қаламчаларда 14 см бошланғич кўрсаткич охирида 73 см гача ошди. 70x15 см экиш схемасида ҳам натижалар ижобий бўлди, 3–4 мм қаламчаларда ўсиш 14 см дан 72 см гача, 5–6 мм қалинликдагиларда эса 18 см дан 73 см гача бўлди, 7–8 мм қалинликдагиларда 15 см дан 73 см гача, энг қалин 9–10 мм қаламчаларда эса 14 см дан 73 см гача ўсиш кузатилди. Бу натижалар шуни кўрсатадики, қаламчалар сийрак жойлаштирилганида ҳам уларнинг ўсиш суръатлари яхши, назорат схемаси билан солиштирганда бироз баландроқ бўлади. Олтинсимон қорағат қаламчаларининг ўсиш динамикаси натижалари шуни кўрсатадики экиш схемаси ва қаламчалар қалинлигига боғлиқ ҳолда сезиларли фарқ қилади. Оптимал натижалар 70x10 см экиш схемасида, айниқса 5–6 мм қалинликдаги қаламчаларда қайд этилди. Зич экишда қаламчалар ўзаро рақобат туфайли сустроқ ривожланади, жуда сийрак экишда эса натижалар бир оз пасаяди. Демак, кўчатларни сифатли ва бир меъёрда ўстириш учун экиш схемаси ҳамда қаламча қалинлигини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Кузатув натижаларига кўра умумий маълумот шуни кўрсатадики, экиш схемалари орасида 70x10 см масофада экилган қаламчалар энг юқори ўсиш кўрсаткичларини намоён қилди. Бу эса ўсимликларнинг озиқланиш майдони ва илдиз тизимининг ривожланиши учун қулай шароит яратилганидан далолат беради.

Олтинсимон қорағат навларининг новдаларининг ўсиш динамикаси кузатувлар турлича натижада аниқланиб, қаламчалари турли ўсув нуқталарда аниқланди. Тажриба натижаларига кўра, олтинсимон қорағат навининг турли экиш схемаларида ва турли қалинликдаги қаламчаларнинг ўсиш кўрсаткичлари мунтазам равишда кузатилди. Бунда 2023–2025 йиллар давомида ўтказилган новдаларнинг дастлабки узунлиги аниқланди (1-расм).



***1-расм.*** *Олтинсимон қорағат кўчатларининг ўсиш динамикасини назорат қилиш.*

Тадқиқот натижасига кўра экиш схемаси 70х15 см ҳамда каламча қалинлиги 9-10 мм бўлган новдаларнинг дастлабки узунлиги 4 см бўлса, 15-апрелда 12 см ўсганлиги аниқланиб оралиқ ўсиш бўйи 8 см бўлганлиги маълум бўлди. Новдаларни ўсиши 2-май санасида ўлчанганда 16 см. ни ташкил қилиб 15-апрелдан то 2-майгача оралиқ ўсиш бўйи 8 см бўлганлиги кузатилди. Новдалар 2-майдан то 15-майгача ўлчанганда умумий узунлиги 41 см ўсган бўлиб, бунда оралиқ ўсиш узунлиги 16 см. ни ташкил қилди. 16-майдан 1-июнга қадар новдаларнинг жадал ўсиши кузатилган бўлиб, уларнинг узунлиги 56 см ни ташкил қилиб, оралиқ ўсишдаги фарқ 15 см эканлиги аниқланди. Ҳаво ҳарорати юқори бўлган пайтда новдаларда деярли ўсиш кузатилмади. 15-ийюл ойида ўлчанганда уларнинг узунлиги 64 см ни ташкил қилиб, 2-августдан 15-августгача оралиқ ўсиш бўйи 7 см бўлганлиги кузатилди. 16-августдан 1-сентабр гача новдаларнинг узунлиги 73 см га тенг бўлиб, оралиқ ўсиш 2 см ни ташкил қилди. Новдалар 1-сентабрдан то 15-сентабргача ўлчаганида уларнинг умумий узунлиги 73 см га тенг бўлиб, оралиқ ўсиш 0 га тенг эканлиги аниқланди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ермаков А.И., Воскресенская В.В. Методические указания по определению химических веществ для оценки качества урожая овощных и плодовых культур. -Л.: ВИР, 1979. - 101 с.
2. Протасов П. В. Методы агрохимических анализов почв Средней Азии / [Ред. коллегия: (отв. ред.) и др.]; МСХ СССР. Всесоюз. науч.-исслед. хлопководства "союзнихи". - 4-е изд. - Ташкент: [б. и.], 1973. - 137 с.
3. Yagudina S.I. - Smorodina. Tashkent. Izd-vo “Fan” 1976. – 120 s.
4. Абдуллаев Р.М., Абдуллаева Х.Р, – Фермер хўжаликларида энг яхши резавор мевалилар навларидан юқори ҳосил олиш агретехникаси. Тавсиянома, Тошкент. – 2011. – 22 б.